

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

52 – ЖИЛД

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

52 – ТОМ

Тошкент-2018

Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 52-жилд.

Илмий журнал. - Тошкент, 2018 йил. – 202 бет.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг 52-жилдида табиий география, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий география, топонимика ва география ўқитиш методикаси, куруқлик гидрологияси, метеорология ва иқлимшунослик ҳамда геодезия ва картографияга тааллуқли мақолалар, таниқли географларнинг юбилейлари ва хотираларига оид лавҳалар жой олган.

Таъсисчи: Ўзбекистон География жамияти

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг таҳрир хайъати:

г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.н., доцент
г.ф.д., профессор
г.ф.н., доцент
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
тех. фанлари доктори
г.ф.н., доцент

Ҳикматов Ф.Ҳ. (*бош муҳаррир*)
Абдуллаев А.Қ.
Ата-Мирзаев О.Б.
Қаюмов А.А.
Маматқулов М.М.
Миракмалов М.Т.
Мирзалиев Т.М.
Назаров М.И
Нигматов А.Н.
Сабитова Н.И.
Сафаров Э.Ю.
Эгамбердиев А.Э.
(масъул котиб)

Техник котиблар:

Ш.Б.Қурбонов,
В.Н.Федорко

Абдуллаев И.Х., Каримов И.Э., Холмирзаев Ж.Э.*
ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ВА УНДАН ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада Жиззах сув омборининг жойлашуви ҳамда унда тўпланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг оптимал усуллари таҳлил қилинган

Калит сўзлар: сув омбори, канал, сув ресурслари, суғорма деҳқончилик.

**Географические аспекты эффективного использования водных ресурсов
Джизакского водохранилища**

Аннотация: в статье даны характеристика географического положения Джизакского водохранилища и рассмотрены методы эффективного использования его водных ресурсов.

Ключевые слова: водохранилище, канал, водные ресурсы, орошаемое земледелие. n

Geographical aspects of utilizing Jizzakh water reservoir effectively.

Annotation: In this article, the location of Jizzakh water reservoir and utilizing it effectively in optimal ways were analyzed.

Keywords: Water reservoir, channel, water resources, irrigation.

Кириш. Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликлардан бири ҳисобланади. У бутун тирик жонзот – инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ учун ҳаёт, яшаш манбаидир. Сув табиий муҳит мувозанатини сақлаш, уни мўътадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омил ролини ўйнайди. Шунингдек, сув - иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий ресурслардан биридир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар негизида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув хўжалиги мажмуаси муаммоларини бозор механизмлари асосида тартиблашда муҳим ижобий ишлар амалга оширилди. Мақолада ушбу масалалар Жиззах сув омбори мисолида кўриб чиқилади.

Асосий қисм. Республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 95 фоизидан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Айни вақтда, сув ресурсларининг чегараланганлиги ва истеъмолчилар сонининг узлуксиз ортиб бориши сув хўжалиги мажмуасида сувдан оқилон фойдаланиш ва уни бошқаришнинг самарали усуллари жорий қилишдан иборат янги иқтисодий муносабатлар шаклланишини талаб қилди.

Сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар маълум ижобий натижалар беришига қарамай, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, айниқса, пахта ҳосилдорлигининг пасайиш жараёни ва, аксинча, унинг таннархини ортиши кузатилмоқда. Нафақат пахтачилик, балки барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларни такомиллаштириш ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси, шу жумладан, Мирзачўл ва Жиззах воҳасида асосан суғориш йўли билан мавжуд экин майдонларидан юқори ҳосил олиб келинган. Республикада, шу жумладан, Жиззах вилоятида ҳам аҳолини кундан-кунга ўсиши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг юқорилиги туфайли экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликни ривожлантириш масаласи муҳим ҳисобланади.

Муаммони ҳал этиш мақсадида, серсув Зарафшон дарёсидан, нисбатан кам сувли Сангзор дарёсига зарурий ҳолатлар учун қўшимча сув олиш мақсадида, 1912 йилда Туятортар (Зарафшон дарёсидан 54км.) канали қурилди. Бу канал қурилиши муносабати

* **Абдуллаев И.Х.** - Тошкент Давлат педагогика университети, География ўқитиш методикаси кафедраси доценти. ilhomabdullaev1960@mail.ru

Каримов И.Э. - Жиззах ДПИ, География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси, geoilhom-69@mail.ru
Холмирзаев Ж.Э. - Жиззах ДПИ, География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

билан Жиззах воҳасида сув таъминоти анча яхшиланди ва ҳосилдорлик нисбатан кўтарилди.

Кейинчалик, Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида, Жанубий Мирзачўл канали (Сирдарё 1961-й. 127км), Жиззах магистрал канали №-1(Сирдарё 1964-й. 67км.), Жиззах магистрал канали №-2 (Сирдарё 1967-й.), Жиззах магистрал канали №-3(Сирдарё 1967-й. 47км.) каби каналлар қурилди.

Юқорида кўрсатилган каналлар орқали етказиб берилётган сув миқдори, айниқса, вегетация даврида, барча талабга жавоб бермасди. Шунинг учун, олимлар ва йирик мутахассислар олдида сув танқислигининг олдини олиш муаммосини ҳал қилиш масаласи вужудга келди. Бу масалани ҳал қилиш учун эса бир қанча сув омборлари қуриш режалаштирилди.

Жиззах вилоятида сув омборларининг ҳудуд бўйича жойлашуви ҳамда улардан самарали ва оқилона фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Жиззах вилоятидаги сув омборлари ҳозирда иқтисодиётнинг бир қанча тармоқлари ривожланишини белгилайди.

Сув омборларини қуришда табиий шароит муҳим аҳамиятга эга ва бу ўринда сув ресурслари ҳамда уларнинг географияси ўрганилиши талаб этилади.

Жиззах сув омбори Жиззахдан 9 км шарқ ва жануби шарқдаги Ёйилмасой жарида 1963 йилда қурила бошланди. Сув омбори Сангзор дарёси ҳавзасида бўлиб, Жиззах текисликларида Сангзор дарё водийсининг кенгайган қуйи қисмини эгаллайди. У Сангзор дарёсининг қишки ва кузги сувлари шунингдек, тошқин ва сел сувларини тўплаб, ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида Сангзор водийсида қурилган.

Ёйилмасой шимол томондан 22 м баландликдаги 5,5 км га чўзилган ёйсимон тўғон билан тўсилган ва сув омборининг сув сиғими 87,5 млн м³ га эга „Жиззах денгизи“ қурилган. Ўртача чуқурлиги 26 м, сув юзаси майдони 12,7 км², кенлиги шарқдан ғарбга 5,1 км, узунлиги жанубдан шимолга 3,3 км.ни ташкил этади. Сув омборига сув сарфи 25 м³/сек сув келтирадиган (узунлиги 9 км) ва сув омборидан сув сарфи 10 м³/сек сув чиқарадиган (узунлиги 15 км) каналлар қурилган.

Сув омборига Сангзор, Равотсой дарёларидан ва Эски Туятортар каналидан келган сувлар ҳам қуйилади. Ҳозирги пайтда Сирдарёнинг суви ҳам қўшимча каналлар ва насос станциялари орқали Жиззах сув омборига етказиб берилмоқда.

Жиззах сув омбори Жиззах туман ҳудудида янгидан ўзлаштирилган 15340 гектар ернинг сувга эҳтиёжини батамом қондиради ва 10 минг гектардан ортиқ Зарбдор туманидаги қўриқ ерларни суғоришга хизмат қилади. 1963 йилда қурила бошланган бу иншоот 1968 йилда қисман, 1969 йилда тўла ишга туширилди. Ҳозирги вақтда сув омбори атрофида боғ ва тоқзорлар, дам олиш масканлари барпо этилган.

Кейинги вақтларда сув ресурсларига бўлган талаб аҳоли турар жойлари ва обикор ерларни узлуксиз равишда ортиб бориши туфайли сув танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда. Жиззах вилоятидаги сув омборлар ва бошқа сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни амалга ошириш янги-янги иқтисодиёт тармоқларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш имконини яратади.

Хулоса. Жиззах вилоятида сув омборларининг табиий, иқтисодий, ижтимоий, географик жараёнларга таъсирини аниқлаш, баҳолаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқишни талаб қилди.

Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан сувдан фойдаланувчилар манфаатларини кўзда тутати ва мазкур йўналишда қуйидаги таклифларимизни берамиз:

1. Вилоятнинг тоғли ва адирли ҳудудларидаги доимий ва сел оқувчи ҳудудларни ўрганиб, сел сувларини йиғадиган сув ҳавзаларини ташкил қилиш;
2. Оқар сув мавжуд ҳудудларда ер ости сувлари захирасини ўрганиб, улардан амалда фойдаланиш;

3. Сувдан фойдаланувчилар учун истеъмол қилинган сувга ҳақ тўлаш, туман шароитига мос тизимини ишлаб чиқиш;

4. Сув ресурсларидан нотўғри фойдаланган, унга турли чиқиндилар ҳамда ахлатларни ташлаётган жисмоний ва юридик шахсларга маъмурий жазо чоратadbирларини янада кучайтириш;

5. Сув омбори ҳудудида балиқчилик фермер хўжаликларини вужудга келтириш;

6. Жиззах сув омбори бўйида туризм ва рекреация тармоқларини ривожлантириш. Соҳил бўйи туризмини ривожлантириш, қирғоқ бўйларида пляжлар, меҳмонхоналар, кемпингларни қуриш бу орқали эса, маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш.

Юқорида келтирилган таклифлар нафақат Жиззах вилояти сув омборлари ҳудудида балки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча сув омборлари жойлашган ҳудудларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисолаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий – иқтисодий ривожланиши. –Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.

2. Ҳакимов Қ.М., Адилова О.А. Жиззах вилояти географияси. – Т.: “Фан ва технология”, 2015.

3. Ғудалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. – Т.: “Фан ва технология”, 2014.

4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3, 7, 8-томлар. - Т., 2004.

полигон эволюционно-урбанистических и эколого-исторических исследований в Средней Азии: постановка проблемы

ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
ТОПОНИМИКА И МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОГРАФИИ

Миракмалов М.Т. Географик лингвистиканинг тадқиқот усуллари	116
Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х. Замоновавий география таълимида табиий географик таълимотларнинг ўқитилиш муаммолари	120
Эназаров Т.Д., Байқабиллов Х.М. Жаҳон мамлакатларининг номларини топонимика методлари ёрдамида ўрганиш	123
Ҳакимов Қ.М., Ерматова Н.Н. В.В.Бартольд ва унинг топонимик мероси ҳақида	127
Safarova N.I., Qalandarova M.K., Amanbaeva Z.A. “Siyosiy geografiya” fanini o’qitishda xorijiy tajribalardan foydalanish	130
Миракмалов М.Т., Аvezов М.М., Абдуллаева Д.Н. Хоразм вилояти топонимларининг табиий географик хусусиятлари	133

ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМШУНОСЛИК
ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ И КЛИМАТОЛОГИЯ

Ҳалимова Г.С., Ҳикматов Ф.Х., Зияев Р.Р. Қулжуктов тизмаси ёнбағирларида атмосфера ёғинлари микдорининг баландлик бўйича ўзгаришини баҳолаш	138
Разикова И.Р., Нишоннов Б.Э., Абдиева М.Ш. Оценка качества вод рек Нарын и Карадарья по гидрохимическим показателям	145
Сагдеев Н.З., Артыкова Ф.Я. Изменения средних многолетних расходов на малых реках бассейна Чирчика за период наблюдений	150
Matnazarov A.R., Allayorov R.X. O’zbekiston tog’ muzliklari shakllanishi va geografik joylashishining landshaft-ekologik xususiyatlari	154
Абдиева М.Ш., Нишоннов Б.Э., Разикова И.Р. Зарафшон дарёси гидрокимёвий режимининг ҳозирги ҳолати ҳақида	157
Артыкова Ф.Я., Азимова Г.У., Ишниязова Ф.А. О факторах, влияющих на метеорологические условия и водные ресурсы урбанизированных территорий	163
Абдуллаев И.Х., Каримов И.Э., Холмирзаев Ж.Э. Жиззах сув омбори ва ундан оқилона фойдаланишнинг географик жиҳатлари	169

ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ
ГЕОДЕЗИЯ И КАРТОГРАФИЯ

Авчиев Ш.К. Геодезический способ юстировки и контроля плоских фацетных гелиостатов	172
Ташпулатов С.А., Суёнов Ш.А. Метеоэлементларни атмосферанинг ерга яқин қатламида синхрон ўлчашлар асосида синиш кўрсаткичларининг ўзгаришини тадқиқ қилиш	175
Қўзиев Ф.Н. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастрини юритиш масалалари	178

ЮБИЛЕЙЛАР
ЮБИЛЕИ

Турғунбой Мирзалиевич Мирзалиев - 85 ёшда!	182
Мурод Маматқулов - 85 ёшда!	183
Паттах Баратов - 85 ёшда!	184
Потихкамол Носирович Ғуломов – 85 ёшда!	185
Низом Ҳамроевич Маматқулов - 65 ёшда!	186
Хайрулла Жўракулов - 65 ёшда!	187
Эшқобул Юлдашович Сафаров - 60 ёшда!	188
Александрю Георгиевичу Дружинину – 55 лет!	189
Абдурашиту Гумаровичу Низамиеву – 50 лет!	190